

4-1-2019

THE REFORM OF PENSION PROVISION SYSTEM IN UZBEKISTAN

J. Tursunov

Tashkent Financial institute

F. Ametova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Tursunov, J. and Ametova, F. (2019) "THE REFORM OF PENSION PROVISION SYSTEM IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

The reform of pension provision system in Uzbekistan

In the article, there are studied the role of pension provision in the social system of the country, existing problems in pensions and reforms in this system, and also develops recommendations for improving the national pension system.

Key words: social policy, social provision, pension system, pension system reform, economic – social reforms, public budget, social insurance, average life expectancy.

In the article, there are studied the role of pension provision in the social system of the Republic of Uzbekistan. One of the main goals of the country's legal reforms is to ensure and protect human interests as the highest value. Improving the effectiveness of social reforms and improving the social protection of the population implies the further development of the pension provision system. Targeted expenses of the state budget expenditures, social protection of the population and social provision, development of healthcare and education, and social progresses are one of the main issues for the republic.

Social protection of the population, improvement of their living standards, and further strengthening of their status in society assists to the fair organization of state pension provision of citizens in our Republic. In particular, the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev noted: "At the same time, the issue of social protection for children with disabilities and their families, those who have lost their breadwinners, should always be in the focus of our attention. We will provide a subsistence allowance for mothers who are devoted to caring for their disabled child¹", the words are a great attention to the development of the social sphere.

Pension is a monthly allowance paid to citizens, based on their salaries and other incomes from the national pension system, when they are old, lose their working ability and lose their breadwinner. State pensions are monthly paid by the state and the right to it is determined by the rules established by the law. The foreign citizens and persons without citizenship who are constantly living in the Republic of Uzbekistan have the right for pension on an equal basis with citizens of the Republic of Uzbekistan².

¹ Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to Oliy Majlis, December 28, 2018.

² The article 1 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the state pension provision of citizens", September 3, 1993. Note: the last amendment to the law was inserted on 25 December 2018, <http://lex.uz/docs/112312>

Pension system of the Republic of Uzbekistan is a retirement pension based on the principle of the unity of generations. This principle is what justifies the existence of social security schemes in addition to individual protection measures, including those relying on insurance mechanisms.

A number of legislative documents are being adopted to reform the pension provision system of the Republic of Uzbekistan. Especially, on December 12, 2018, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № 5597 " On additional measures to increase the effectiveness of the pension system of the citizens and strengthen social support for retirees" was accepted. In accordance with the Decree from January 1, 2019 it is planned to introduce the following changes in the appointment of pensions and social benefits to citizens:

- starting from January 1, 2019, all working pensioners will be paid full amount of pensions;

- increasing the maximum amount of wages for pension payments from 8 to 10 times the minimum monthly wage;

- off-budgetary Pension Fund under the Ministry of Finance and the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, from January 1, 2019 it is planned to recalculate the amount of pensions, taking into account the increase in the maximum wage.

In particular, the Government plans to grant the right to those, who reached the retirement age, but who do not have the necessary work experience, payment of insurance premiums in the amount of one minimum wage for each month (period) that is missing in calculating pensions. It is also proposed to grant the right to working people to pay out of the income in the form of payment of additional insurance premiums for non-working family members at least one minimum wage for each month on a voluntary basis.

Particularly, Uzbekistan plans to gradually increase the minimum length of service for assigning pensions in increments of one year, starting in 2020 with bringing it to 10 years. It is also planned to increase the retirement age in stages.

There are also studied and analyzed existing problems in pensions, social benefits and their reforms in this system. As well as, the article develops recommendations for improving the national pension provision system.

(Full article is available in Uzbek)

**ТМИ, “Пенсия иши” кафедраси
катта ўқитувчиси Турсунов Ж.П
ТМИ, “Пенсия иши” кафедраси
ассистенти Аметова Ф**

ЎЗБЕКИСТОН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ВА УНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Мақолада мамлакатимиз ижтимоий тизимида пенсия таъминотининг ўрни, пенсия таъминотида мавжуд муаммолар ва ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлар ёритиб берилган, шунингдек, миллий пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий сиёсат, ижтимоий таъминот, пенсия тизими, пенсия тизими ислоҳоти, давлат пенсиялари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлат бюджети, ижтимоий суғурталаш, ўртача умр кўриш ёши.

В статье изложены роль пенсионного обеспечения в социальной системе страны, существующие проблемы в пенсионном обеспечении и реформах в этой системе, а также разработаны рекомендации по совершенствованию национальной пенсионной системы.

Ключевые слова: социальная политика, социальное обеспечение, пенсионная система, реформа пенсионной системы, социально-экономические реформы, государственный бюджет, социальное страхование, средняя продолжительность жизни.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган ҳукуқий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири – инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳар томонлама таъминлаш ва муҳофаза этишдан иборатдир. Амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришни тақозо этади. Давлат томонидан амалга оширилаётган бюджет харажатларининг мақсадли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва

ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, ижтимоий тараққиёт сари дадил одимлаб бораётган республикамиз учун ниҳоятда муҳим масалалардан бири саналади.

Республикамизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини адолатли ташкил этишга хизмат қилади. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Айни вақтда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши керак. Умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этамиз”[1], деган сўзлари ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор исботидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими, ижтимоий сиёсатда пенсия тизимининг ўрни, пенсия тизимини ислоҳ қилиш каби ижтимоий масалалар кўплаб хорижий иқтисодчи-олимлар томонидан, жумладан, Жун Пенгнинг “State and Local Pension Fund Management” номли китобида, Ж.Бонолининг “Ageing and Pension Reform Around the World” номли китобида, Н.Борисенконинг “Пенсионное обеспечение” номли дарслигида, В.Роикнинг “Обязательное и добровольное пенсионное страхование” номли китобида ва С.Орловнинг “Пенсионное обеспечение в Российской Федерации” номли монографияларида ҳамда бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шунингдек, пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида пенсия тизимининг ижтимоий аҳамиятини ошириш ва пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борган мамлакатимиз иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов ўзининг “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” номли дарслигида, Б.Умурзаков “Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений” номли монографиясида, Д.Рустамов “Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари” номли монографиясида, Б.Маматов “Пенсия жамғармаси фаолияти” номли ўқув қўлланмасида ва бошқа бир қанча олимларимиз томонидан илмий изланишлар олиб борилганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар.

Ижтимоий сиёсатда пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш, фуқароларни ўз навбатида, тўлиқ пенсия ва нафақа маблағлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда пенсия тизимини ислоҳ қилиш зарур воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни барқарорлаштиришда ижтимоий соҳа маблағларининг кучли назорати ҳам муҳим дастаклардан биридир. Бу борада мамлакатимизда давлат пенсия таъминоти тизимини самарали бошқариш ва

ривожлантиришни таъминловчи иқтисодий рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Пенсия таъминоти аҳоли учун ҳамиша долзарб аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда амалда бўлган пенсия тизими бу – “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган пенсия таъминоти тизими бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари учун маблағлар, асосан бугунги кундаги иш берувчилар томонидан Пенсия жамғармасига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳисобидан амалга ошириб борилади.

Пенсия – бу фуқаролар ўзларининг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан миллий пенсия тизимига тўлаган тўловларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг қариганда, меҳнат қобилятини йўқотганда ёки боқувчисидан махрум бўлганда бериладиган ҳар ойлик тўловдир.

Давлат пенсиялари – давлат томонидан тўланадиган ҳар ойлик пул тўлови бўлиб, унга бўлган ҳуқуқ қонун ҳужжатларда белгиланган тартиб қоидаларга асосан аниқланади. Пенсия тўлови фуқаролар талаб этилган иш стажига эга бўлганда, белгиланган пенсия ёшига етганда ёки меҳнат қобилятини йўқотганда уларнинг эҳтиёжлари учун иш ҳақи (даромади)ни таъминловчи пул тўлови ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланадиган ва тўланадиган пенсиялар фуқароларнинг авлодлар бирдамлиги тизими, яъни тақсимлаш тамойилига асосланган бўлиб, бунда ушбу тизимда иштирок этувчи фуқароларнинг улуши (тўлаган суғурта бадаллари) дан ташкил топади.



Пенсия таъминоти тизимини молиялаш методлари[2]

Ўзбекистон Республикасида фуқароларга давлат пенсиялари “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига мувофиқ тайинланади ва тўлови амалга оширилади. Қонунга мувофиқ ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тайинланиб, мос равишда умрбод, ногиронлик муддати давомида ва боқувчини йўқотганлик даврида пенсия олиш ҳуқуқлари белгиланган. Пенсиялар миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдори, иш стажи учун пенсиянинг оширилиши ва пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан таркиб топади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, пенсиялар миқдори энг кам ойлик иш ҳақига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарганда қайта ҳисоблаб борилади. Ҳозирги кунда пенсиялар миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонлари асосида оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йил 1 январдан Ўзбекистонда энг кам ойлик иш ҳақи 202 730 сўм, энг кам ёшга доир пенсия миқдори 396 500 сўмни ташкил қилади.[3]

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Хусусан, 2018 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5597-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан 2019 йил 1 январдан фуқароларга пенсия ва нафақалар тайинлашда қуйидаги ўзгаришлар киритилиши белгиланди:

– 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши;

– Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқарилиши белгиланди.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш давлатнинг жами ижтимоий соҳаларини ривожлантириш билан биргаликда олиб борилади. Пенсия таъминотига ижтимоий харажатларнинг кўпайиши, бир тарафдан аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга қилинадиган харажатларнинг ошишига олиб келса, иккинчи тарафдан ушбу харажатларни молиялаштириш йўллари излаб топишни тақозо этади. Ушбу йўللارни излаб топишда аҳоли сони, пенсионерларнинг жами аҳоли сонига улуши, ўртача умр кўриш ёши, меҳнатга қобилиятли аҳоли сони каби демографик омиллар ва шу қатори аҳолининг ўртача даромади, ишсизлик, инфляция суръати каби иқтисодий

омилларни инобатга олиш, уларни таҳлил қилиш асосида пенсия таъминоти тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида вилоятлар кесимида жами пенсия ва нафақа олувчилар сони, 2018 йил 1 декабрь ҳолатига[4]

Худудлар	Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони	Ёшга доир	Ногиронлик	Боқувчисини йўқотганлар	Нафақа олувчилар
Қорақалпоғистон Республикаси	189 748	127 788	30 284	10 802	20 874
Андижон	323 524	243 546	33 270	16 228	30 480
Бухоро	212 766	162 194	28 277	6 888	15 407
Жиззах	116 236	78 705	11 791	10 000	15 740
Қашқадарё	296 440	217 773	28 818	17 825	32 024
Навоий	112 834	80 262	16 782	5 494	10 296
Наманган	269 851	196 375	30 226	16 246	27 004
Самарқанд	364 745	275 304	34 802	19 424	35 215
Сирдарё	87 294	59 251	13 426	4 561	10 056
Сурхандарё	233 562	164 852	24 923	14 630	29 157
Фарғона	402 259	319 004	37 052	14 727	31 476
Хоразм	189 611	141 283	20 604	7 901	19 823
Тошкент вилояти	331 424	260 400	27 757	18 004	25 263
Тошкент шаҳри	334 020	277 348	31 013	10 032	15 627
Республика бўйича	3 464 314	2 604 085	369 025	172 762	318 442

Юқоридаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида жами пенсия ва нафақа олувчилар сони вилоятлар кесими бўйича келтирилган. Унга кўра, Республика бўйича жами пенсия ва нафақа олувчилар сони 3 464 314 кишини ташкил қилади, шунингдек, ёшга доир пенсия олувчилар 2 604 085 тани, ногиронлик пенсияси олувчилар жами 369 025 кишини, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 172 762тани ҳамда ижтимоий нафақа олувчилар сони жами 318 442 кишини ташкил этади. Вилоятлар бўйича таққослаганда энг кўп пенсия ва нафақа олувчилар Фарғона вилоятига тўғри келмоқда яъни 402 259 кишини ташкил қилади, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятига тўғри келиб 87 294 кишини ташкил қилади.

Тақсимлаш тамойилига асосланган пенсия тизими ҳам, жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам ўз навбатида бир қатор камчиликлар ва афзалликларга эга. Пенсия сиёсати фақат бир пенсия тизимига асосланиб қолмаслиги керак. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда ҳар иккала тизимдан фойдаланишга асосланган уч поғонали пенсия тизими шаклланди[5]:

1. Мажбурий давлат пенсия тизими. Ушбу тизимнинг мавжудлиги пенсионерлар ўртасида қашшоқликни олдини олиш ва қисқартириш имконини беради.

2. Мажбурий жамғариладиган пенсия тизими. Ушбу тизимда пенсия миқдори пенсионерларнинг шахсий ҳисобрақамларида тўпланган маблағларига ва инвестицион даромадларга боғлиқ бўлади. Мазкур тизим давлат томонидан марказлашган тарзда бошқарилиши мумкин ёки хусусий компаниялар, фондлар томонидан бошқарилади.

3. Ихтиёрий хусусий пенсиявий суғурталаш.

Хулоса ва таклифлар. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш, давлатнинг жами ижтимоий сиёсатини ўзгартириш билан биргаликда олиб борилмоқда. Ислохотлар жараёнида жаҳон жамоатчилигининг асосий вазифаси, авлодлар бирдамлиги тамойили асосига қурилган пенсия таъминоти тизимини сақлаб қолишдан иборат бўлди. Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ижобий ҳал этишда қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

– Мамлакатимизда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг киритилишига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, иқтисодиётнинг аксарият тармоқларидаги меҳнат шароити аввалгидек зарарли ва оғир ҳисобланмайди. Шу жиҳатдан республикаимизда пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларида бири имтиёзли пенсияни тайинланишини камайтириш мақсадга мувофиқдир;

– Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимида иштирок этмаётган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони кам эмас. Ушбу фуқароларнинг қариганда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат учун катта муаммога айланиши муқаррар. Сабаби, ушбу фуқаролар томонидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар амалга оширилмаган ёки кам миқдорда амалга оширилган. Хорижда ишловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган фуқароларни пенсия тизимига жалб этиш зарур. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаронинг қариганда пенсия билан таъминланиши муқаррар эканлиги тўғрисидаги давлат қафолатига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ўсиб бораётганлиги нуқтаи назаридан пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш ушбу тизимда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан биридир. Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масалада белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилинишини

таъминлаш муҳим аҳамия касб этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини кўпайтириш ва Пенсия жамғармаси даромадларининг мавжуд манбаларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни изчиллик билан ҳал қилиш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар барча жабҳаларни, жумладан, пенсия таъминоти тизимини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатдир. Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилиши мамлакатда пенсия таъминоти тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь.
2. Маматов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017. – 280 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-5553-сонли Қарори. Манба: www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг расмий веб сайти маълумотлари.
5. Ghana’s 3-Tier pension scheme, 2008. <https://medium.com/@happy payroll/introducing-ghanas-3-tier-pension-scheme-2cb3822874b3>